

СУД ТОМОНИДАН ДАЛИЛЛАРГА БАҲО БЕРИШДА АДВОКАТ ИШТИРОКИ

Шукуров Икром Қосимович

ижтимоий инспекция

ходими - изланувчиси

тел: (91)-447-79-77,

Аннотация: суд томонидан далилларга баҳо бериш энг муҳим ва энг мураккаб жараён ҳисобланади. Бу жараёнда адвокатнинг фаол иштирок этиши суднинг далилларга баҳо беришда ҳолисона, эркин, қонуний ва синчковлик билан ҳаракатланишига хизмат қилади. Шунингдек, алоқадорлик ва мақбуллик шартлари амалда яққол ўз ифодасини топади.

Аннотация: оценка судом доказательств является самым важным и сложным процессом. Активное участие адвоката в этом процессе содействует более объективной, свободной оценке доказательств судом, законности и тщательности его действий. Также, свое конкретное практическое выражение находят требования относимости и допустимости доказательств.

Abstract: the judge's assessment of proofs is the most important and difficult process. Active participation of the lawyer in this process promotes more objectively, free assessment of proofs court, legality and care of his actions. Also, the concrete practical expression is found by requirements of relevancy and validity of proofs.

Калит сўзлар: демократик жамият, далиллар, айблов ҳулосаси, далилларни баҳолаш, ички ишонч, кассация инстанцияси, тергов материаллари, интеллектуал фаолият, ҳуқуқий онг.

Ключевые слова: демократическое общество, доказательства, обвинительное заключение, оценка доказательств, внутреннее убеждение,

кассационная инстанция, материалы следствия, интеллектуальная деятельность, правосознание.

Key words: democratic society, evidences, closing indictment, assessment of evidence, internal belief, cassation instance, investigation materials, intellectual activity, sense of justice.

Сўнги йилларда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар мамлакатимизда фуқаролик демократик жамият асосларининг мустаҳкамланишига, шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясига, суд органларининг чинакам мустақиллигига ҳамда аҳолининг суд органлари фаолиятига ишончи ошишига қаратилган десак адашмаган бўламиз. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 21 октябрдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2017 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонларнинг қабул қилиниши суд-ҳуқуқ соҳаси ривожини янги bosқичга олиб чиқди.

Жиноят судлов ишларини юритишда адвокат фақатгина исбот қилиш иштирокчиси сифатида дастлабки терговда ва суд муҳокамаси жараёнида фаолият юритади. Бизнинг назаримизда адвокат исбот қилиш жараёнида фақатгина иштирокчи сифатида эмас, балки суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судья билан бир қаторда жиноят ишининг тақдирига дахлдор бўлган асосий шахс сифатида қаралиши керак. Айниқса далилларга баҳо бериш жараёнида адвокатнинг фаол сай-ҳаракатлари, жиноят иши юзасидан яқуний қарор чиқарилишида муҳим ўринни эгаллайди.

Судлар олдида жиноят ишларини кўришда шахс ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш чораларини кўриш энг муҳим вазифа сифатида

белгилаб берилди. Суд ўз қарорини далилларга асосланиб қабул қилади. Бу борада далилларга баҳо бериш ўта мураккаб жараён саналади. Сабаби бу жараёнда шахснинг келгусидаги фаолияти, унинг тақдири ҳал қилинади. Жиноят процессуал қонунчилигимизга кўра далилларга суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд баҳо беради. Суд мажлиси прокурор томонидан тасдиқланган айблов хулосаси мавжуд бўлган ҳоллардагина ўтказилади. Суднинг исботлаш субъекти сифатидаги вазифаси ушбу айбловнинг тўғри ёки нотўғри эканлиги, судланувчининг жиноятда айбдорлиги, жазога сазоворлиги ва унга нисбатан айнан қандай жазо тайинлаш лозимлигини аниқлашдан иборат. Суд прокурор, судланувчи, унинг ҳимоячиси, жабрланувчи ва бошқа шахслар иштирокида дастлабки тергов материалларининг тўла, ҳар томонлама ва ҳолисоналигини текширади ва баҳо беради. Процесснинг ошкоралиги ва тортишувга асосланганлиги, бевоситалиги асосида суд ҳар бир факт, ҳолатни синчиклаб ўрганади.

Шунингдек, жиноят процессуал қонунчилигимизга кўра суд жиноят ишидаги барча ҳолатларни синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва ҳолисона кўриб чиқишга асосланган ҳолда қонунга ва ҳуқуқий онгга амал қилиб, ўзининг ички ишончига таяниб далилларга баҳо беради (ЖПКнинг 95-моддаси).

Дастлабки терговда шакллантирилган ва прокурор томонидан судга тақдим қилинган айблов фақат суд мажлисини бошлаш учун формал асос бўлиб қолмай, процесснинг ушбу босқичида ўрганиш, тадқиқ этиш, баҳолашнинг асосий предмети ҳамдир.¹ Суд ва тарафларнинг барча эътибори айнан айбловнинг қонунийлиги ва асосланганлиги, яъни терговчи ва прокурорнинг айбдорлик ҳақидаги хулосалар учун фактик асос бўлган далилларнинг ишончлилигини текшириш ва уларга баҳо беришга

¹ Новицкий В.А. Конфликтность правовых позиций субъектов доказывания в процессуальном доказывании и правоприменении //Сб. статей. –Ставрополь: Инст-т им В.Д.Чурсина, 2003.–Б.19-28.

қаратилади.

Бу борада хориж тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, МДХ давлатлари жиноят процессуал қонунчилигида, жумладан, Россия ЖПКнинг 75-моддаси иккинчи қисми, Молдова Республикаси ЖПКнинг 102-моддаси иккинчи қисми, Беларусь Республикаси ЖПКнинг 93-моддаси иккинчи қисми, 94-моддаси иккинчи қисмида, Қозоғистон Республикаси ЖПКнинг 119-моддаси бешинчи қисмида шахс (асосан гувоҳ ва жабрланувчи) ўзининг маълумотлари манбасини аниқ кўрсата олмаса, бу маълумотлар далил ҳисобланмаслиги кўрсатиб ўтилган. Бу юзасидан адвокатлар маълумотлар манбасини талаб қилиши бўйича судга илтимоснома киритиш ҳуқуқига эга.

Фикримизча, шундай қоида миллий қонунчиликка ҳам киритилиши фойдадан холи эмас. Шу жиҳатдан, Ўзбекистон Республикаси жиноят процессуал кодекснинг 81-моддасини учинчи қисм билан қуйидаги мазмунда тўлдиришни таклиф этамиз: ***“Гувоҳ, жабрланувчи ўзи берган маълумотлар манбаини аниқ кўрсата олмаган ҳолларда, шунингдек уларнинг кўрсатмалари шубҳа-гумонларга асосланган бўлса, бу маълумотлар жиноят иши бўйича далил ҳисобланмайди”***.

Ишнинг барча ҳолатлари ўрганилиб, барча далилларни текшириб ва баҳолаб, барча иштирокчиларнинг фикрларини эшитгандан сўнг, суд қонун ва ички ишончига асосланган ҳолда ҳукм чиқаради.

Биринчи инстанция суди билан бир қаторда апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судлари, шунингдек янги очилган ҳолатлар бўйича ишни қайта кўрувчи судлар ҳам далилларга баҳо бериш субъектлари ҳисобланади.

Демак, далилларни баҳолаш жиноят процессуал исботлаш субъектларидан бири сифатида суднинг мантиқ ва ҳуқуқ меъёрларига асосланган, далилларнинг ишга алоқадорлиги, мақбуллиги, ишончилиги ва етарлилигини, шунингдек холисона ҳақиқатни аниқлаш мақсадидаги фикрлаш фаолиятidir. Далилларни баҳолаш жиноят-процессуал

исботлашнинг тузилмавий элементларидан бири бўлиб, жиноят процессида мавжуд бўлган барча демократик принципларга асосланади.

Шунингдек, Суд далилларга баҳо беришда ишни ҳал қилиш учун зарур бўлса шахсий ташаббуси билан янги далилларни талаб қилишга ҳақли ҳамда мажбурдир. Бу мақсадларда суд томонидан илгари чақирилмаган гувоҳлар сўроқ қилиниши, қўшимча ва такрорий экспертиза тайинланиши, дастлабки терговда ўрганилмаган нарсалар кўздан кечирилиши ва ишга қўшиб қўйилиши ва ҳ.к. ҳаракатлар амалга оширилиши мумкин², агар юқоридаги ҳаракатлар суд томонидан лозим даражада амалга оширилмаса, бундай ҳолда адвокат ўз позициясидан унумли фойдаланиши талаб этилади, яъни адвокат жиноят-процессуал қонунчиликда мустаҳкамланган ҳуқуқлари (далиллар тақдим қилиш, илтимоснома ва шикоятлар бериш ва ҳ.к.) ёрдамида далилларни ижобий ёки салбий жиҳатдан баҳоланишида суднинг ички ишончига муайян даражада таъсир кўрсатишлари мумкин.

Иш бўйича йиғилган маълумотлар етарли бўлмаса ёки кутилган натижага эришиш учун бу маълумотлар билан ишлаш тартиби, шартлари номаълум бўлса, суд бу масалани ижодий ҳал этишига тўғри келади. Билимлар етишмаган ёки улар тўлиқ бўлмаган ҳолларда ҳам ижодий тасаввурга мурожаат қилинади. Тафаккур муаммоли шароитни, яъни ишнинг ҳал этилиши лозим бўлган маълум фактик ҳолатларини ўзида акс эттириб, барча билим ва тажриба заҳираларини сафарбар этади, ўтмишда содир бўлган ҳамда кўрилатган ишга ўхшаш бўлган ҳодисани излаб топади ва бу билан етишмаган маълумотнинг ўрни тўлдирилади. Бир вақтнинг ўзида қўшимча маълумотлар тўплаш учун чоралар кўрилади. Эга бўлинган барча маълумотлар эса солиштириш, таснифлаш, анализ, синтез ва бошқа операциялар ёрдамида қайта ишланади. Шу пайтда тафаккур онгдаги тасаввурлар ва тушунчалар асосида бу материалларни бирлаштиради,

² Власов А. А., Власова М. Г. Является ли суд субъектом доказывания в российском судопроизводстве? // Право и политика. -2001. -№4. –Б.24.

жамлайди ҳамда маълум фикрга бўйсиндириб, янги образларни барпо этади. Мазкур интеллектуал фаолият ҳали етарли даражада тадқиқ этилмаган, мантикий ва эмпирик асослари аниқланмаган бошланғич тахминнинг пайдо бўлишига олиб келади. Биринчи даврларда кўпинча «бўлиши мумкин...?» деган саволдан бошланувчи мазкур фикрлар аниқ шаклларга эга бўлмайди. Бу фикр мантикий операциялар воситасида конкретлаштирилади, такомиллаштирилади, аниқлаштирилади ва гипотеза (версия) сифатида расмийлаштирилади. Кейинги фикрлаш фаолияти эса уни текшириш юзасидан олиб борилади.

Исботлаш жараёнини юритиш давомида унинг субъектлари далилларга баҳо бериш учун идроки, ҳиссиёти ва ички руҳиятини ишга солади. Шунинг учун амалиётда ва назарияда терговчи, судьянинг жиноят ишининг ҳолатларини бевосита ёки билвосита қабул қилиши хусусида турли қарама-қарши фикрлар мавжуд. Бевосита билишда шахс (кўпинча гувоҳ, жабрланувчи) жиноят содир этилганлигини ўз кўзи билан кўрган бўлиши лозим. Билвосита билишда терговчи, судья ўтмишдаги воқеани факт, ахборот, далиллар ва гувоҳ, жабрланувчининг кўрсатувлари орқали билиб оладилар. Бу борада: «... ҳақиқат иш бўйича исботлаш предметига кирадиган ҳолатлардан ҳар бири, уларнинг йиғиндиси орқали фақат оқилона билиш, фикрлаш ёрдамида аниқланиши мумкин, шунинг учун жиноят процессуал исботлаш билвосита билиш ҳисобланади»,³ деган фикрларга кўшиламиз.

Суд томонидан далилларга баҳо бериш жараёнида адвокат иштирокининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагиларда ўз аксини топади:

- 1) адвокат томонидан билдирилган фикрлар, тақдим этилган далиллар натижасида судда шахсни айбдор деб топишда шубҳа-гумоннинг пайдо бўлиши;

³ Зинатуллин З.З. Уголовно-процессуальное доказывание. Учебное пособие. –Ижевск: 1993. –Б. 30.

- 2) жиноят ши бўйича тўпланган айрим далиллар юзасидан, адвокат томонидан берилган илтимосномасига кўра далилларнинг номақбул деб топишга асосларнинг мавжуд бўлиши;
- 3) адвокат томонидан суднинг далилларни тўлиқ ва ҳар томонлама текшириш якунланмаганлиги хусусида илтимоснома киритиши;
- 4) суд муҳокамасида адвокат томонидан судланувчининг айбини енгиллаштирувчи ҳолатлар мавжудлиги хусусида фикр билдириши натижасида, суднинг якуний хулосага эркин, ички ишончига кўра қилишига замин яратиши;
- 5) жиноят ишига алоқадор бўлмаган далилларга суд томонидан баҳо берилишида, адвокат ўз эътирозини келтириши орқали ушбу далиллардан фойдаланмасликни қонуний талаб қилиши кабилар бўйича адвокат ўз ҳаракатларни амалга оширади.

Хулоса қилиб айтганда, суд томонидан далилларга баҳо бериш ўзининг ички ишончига асосан амалга оширилади. Бу борада ички ишончнинг шаклланиши жуда муҳим ҳисобланади. Ички ишонч мустаҳкам ҳуқуқий билимлар, йиллар давомида сайқалланган тажриба, юксак тасаввур ва дунёқараш ҳамда ҳуқуқий онг асосида вужудга келади. Шунингдек, суд далилларга баҳо беришда барча ҳолатларни синчковлик билан ҳолисона, қонун талаблари бўйича тўлиқ текшириши ва таҳлил этиши зарур. Ҳеч бир ҳолат назардан четда қолмаслиги керак, шундагина асосли, қонуний ва адолатли якуний қарор қабул қилинади.